# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АДВОКАТЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ

**Дилдора Бахадировна БАЗАРОВА**
юридик фанлар номзоди
профессор
Тошкент давлат юридик университети
Тошкент, Ўзбекистон
d.bazarova@tsul.uz

**Аннотация**

Ушбу мақола жиноят процессида адвокатларнинг процессуал кафолатларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, мақолада адвокатларнинг процессуал кафолатларига оид назарий ва ҳуқуқий қоидалар атрофлича тадқиқ қилинган.

**Таянч сўзлар**: ҳуқуқ, қонун, адвокат, процесс, жиноят, вазифа.

# ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ГАРАНТИИ АДВОКАТОВ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

**Дилдора Бахадировна БАЗАРОВА**
кандидат юридических наук, профессор
Ташкентский государственный юридический университет
Ташкент, Узбекистон
d.bazarova@tsul.uz

**Аннотация**

Данная статья посвящена анализу процессуальных гарантий адвокатов в уголовном процессе, в статье подробно рассматриваются теоретические и правовые нормы, касающиеся процессуальных гарантий адвокатов.

**Ключевые слова**: право, закон, адвокат, процесс, преступление, задача.

Жисмоний ва юридик шахсларга жиноят процесси босқичларида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминловчи қонунчилик нормаларини амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, шу билан бирга соҳада адвокатларнинг процессуал мустақиллиги кафолатларини кучайтириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Бу борадаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумот ўрнида, “адвокатура” ва “адвокат” тушунчаларининг назарий ва ҳуқуқий тавсифини қуйидагича илмий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчиликка кўра, “адвокатура – ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади” [9].

Адвокат эса, тегишли маълумотга ва мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган, жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатувчи шахс.

Мазкур категориянинг илмий тавсифи борасида миллий ва хориж олимлари томонидан қатор тадқиқот ишлари олиб борилгани эътиборга лойиқ.

Ю.К.Якимовичнинг фикрича, адвокатлик процессуал мақомига эга бўлган шахс, фақат ишда иштирок этишга рухсат берилганидан кейин ва унинг жиноий процессуал мақоми тенг бўлмаган тақдирда, аниқ бир ишда (ҳимоячи, вакил, адвокат сифатида) жиноят процессининг иштирокчисига айланади. Муайян иш бўйича жиноят ишини юритишда кимнинг манфаатлари адвокат томонидан ифодаланишига (ҳимояланишига) боғлиқ [7; 81].

Н.Д.Эриашвили ва В.Ю.Косицынларнинг таъкидлашича, адвокат – вакили бўлган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу билан бирга, у ўзининг процессуал позицияси туфайли нафақат директор манфаатларини ифодалашни ташкил қилади, балки ўз тарафида ҳаракат

қилаётган жараённинг бошқа иштирокчилари фаолияти билан ҳам ўз фаолиятини мувофиқлаштиради [6; 62].

Адвокатлик фаолияти деб “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда адвокатлик мақомини олган шахслар томонидан профессионал асосда жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек адолатли судловга эришишни таъминлаш мақсадида кўрсатиладиган малакали юридик ёрдам эътироф этилади. Малакали юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлса-да, қонунда белгиланган тартибда адвокатлик мақомига эга бўлмаган шахслар томонидан кўрсатиладиган хизмат адвокатлик фаолиятига кирмайди [1; 14].

Адвокатурани фуқаролик жамияти институти сифатида эмас, балки фуқаролик жамияти манфаатларини ифодаловчи институт сифатида таърифлаш мумкин, чунки корпорациялар, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларлардан фарқли ўлароқ, адвокатуранинг бош вазифаси ўз аъзоларини эмас, балки юридик ёрдам сўраб мурожаат этган фуқаро ва юридик шахсларни ҳимоя қилишдан иборатдир [8; 14].

Адвокатура институти ва адвокатнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда жиноят процессида назарда тутилган ўрни ҳақидаги илмий қарашлар ва ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, адвокат фаолиятининг моддий ва жиноят процессидаги процессуал кафолатлари масаласига тўхталсак.

Маълумот ўрнида, қонунчилик асосида адвокат фаолиятининг кафолатларини *процессуал* ва процессуал бўлмаган, яъни *моддий кафолатлар* сифатида таҳлил қилиш ўринли.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунида адвокатлик фаолиятининг қатор кафолатлари кўрсатиб ўтилган.

Мазкур кафолатлар адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва фаолиятнинг асосий принциплари, ваколатлари ва дахлсизлиги, адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш, ушбу фаолиятга аралашишга йўл қўйилмаслиги,

мазкур фаолият ҳимояланишини таъминлаш, адвокатнинг ҳаётини ва соғлиғини муҳофаза қилиш каби масалаларни қамраб олган.

Қонунда назарда тутилган ушбу кафолатларни адвокатлик фаолиятининг моддий кафолатлари сифатида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари мавзусидаги тадқиқот ишларидан келиб чиқиб, мазкур процессда иштирок этувчи адвокатнинг процессуал кафолатлари категорияси қуйидагича таҳлил қилинади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг жиноий процессуал кафолатлари остида иккита компонентнинг жамлигини тушуниш керак: биринчидан, бу жиноят процессуал қонуни билан белгиланган процессуал меъёрларнинг (ҳуқуқий воситаларнинг) жами (тизими), яъни, жараён иштирокчисига ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишга рухсат бериш ёки унга қарши бўлган субъектларнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар, мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш; иккинчидан, бу жиноят процессида иштирок этаётган барча иштирокчилар фаолиятида қонунга аниқ ва бир хил риоя этилишини таъминлаш учун ушбу ҳуқуқий воситаларни амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг юридик фаолияти [4; 42].

Адвокатнинг процессуал кафолатлари илмий категорияси юзасидан чет эл мамлакатлари ҳуқуқшунос олимлари томонидан қатор илмий қарашлар илгари сурилган.

А.Скрябин фикрича, жиноят процессида адвокатлик кафолатлари жиноят-процессуал қонунчилик ва адвокатлик тўғрисидаги қонунида назарда тутилган юридик воситалар бўлиб, улар адвокатни жиноят процессининг иштирокчиси сифатида таъминлайди. Адвокатликнинг касбий фаолияти ва ўз вазифаларини гумон қилинувчини, айбланувчини, маҳкумни ҳимоя қилиш учун берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш, жабрланувчи, фуқаролик даъвогар,

фуқаролик жавобгар, процесс иштирокчилари манфаатларини таъминлаш орқали амалга оширади [5; 93].

Т.Г.Дабижанинг таъкидлашича, “ҳимоячининг ваколатларини амалга оширишнинг процессуал кафолатлари жамият ва давлат манфаатларига мос келадиган, мустақил равишда адвокатга юклатилган очиқ ҳуқуқий ҳимоя функциясини амалга оширишга ёрдам беради [3; 68].

Е.А.Гаврилованинг фикрича, адвокат мустақиллигининг процессуал кафолатлари жиноят ишини юритишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини фаол ҳимоя қилишга ёрдам беради [2; 72].

Мазкур назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда, “адвокатнинг процессуал кафолатлари” тушунчасига – унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қоидалар (воситалар) ҳамда бу борадаги мансабдор шахсларнинг вазифа ва мажбуриятларининг ягона тизими деб, таъриф берилиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда адвокатларнинг процессуал кафолатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан эътиборга лойиқ ислоҳотлар амалга оширилиб, тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинди.

Хусусан, адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда адвокатларнинг процессуал кафолатларини мустаҳкамловчи муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Фармон билан адвокатлар фаолиятига оид қатор кафолатлар, шу жумладан процессуал кафолатлар ҳам белгиланди. Шу жумладан қуйидагилар белгиланди:

– адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақланиб қолиниши шартлиги;

– адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарисида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги кераклиги;

– адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно [9].

Бундан ташқари, адвокатларнинг процессуал кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида бир нечта нормалар билан тартибга солинган.

Кодекснинг 49-моддасига кўра, ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир. Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади. Ҳимоячининг ишда иштирок

этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

Қайд этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддаси биринчи қисмида белгиланган, яъни ҳимоячига берилган қатор ҳуқуқлар, унинг соҳадаги процессуал кафолатларини ўзида ифода этади.

Шунингдек, адвокатларнинг процессуал кафолатлари соҳани тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида белгиланган.

Ушбу моддада адвокат ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги, адвокат касбий вазифаларини бажариши муносабати билан қўлга киритган адвокатлик далиллари (ашёлари), ҳужжатлари ундан олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас, шунингдек унинг ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Қонунга кўра, адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам берилишида адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, шу билан бирга соҳада адвокатларнинг процессуал мустақиллиги кафолатларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. Advokatura. Darslik. Mualliflar jamoasi. – Toshkent: TDYU, 2019.

2.Гаврилова Е.А. Процессуальные гарантии независимости адвоката в системе обеспечения конституционного права на защиту // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения, 2019. – №1 (23). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnye-garantii-nezavisimosti-advokata-v-sisteme-obespecheniya-konstitutsionnogo-prava-na-zaschitu (дата обращения: 21.10.2021).

3. Дабижа Т.Г. Процессуальные гарантии реализации полномочий адвоката-защитника в уголовном судопроизводстве // Журнал российского права. 2012. №7 (187). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnye-garantii-realizatsii-polnomochiy-advokata-zaschitnika-v-ugolovnom-sudoproizvodstve (дата обращения: 21.10.2021).

4. Овчинников Ю.Г. Понятие уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, 2011. – №19. – С.42

5. Скрябин А. Уголовно-процессуальные гарантии адвокатской деятельности // LEGEA ŞI VIATA. Februarie, 2015. – С.93.

6. Эриашвили Н.Д., Косицын В.Ю. Процессуальный статус адвоката в уголовном судопроизводстве // Вестник Московского университета МВД России. № 2 / 2014. – С.62.

7. Якимович Ю.К. Участие адвоката в уголовном процессе // Russian Journal of Criminal Law. № 1(5). 2015. – С.81.

8. O‘zbekiston Respublikasida Advokatlik faoliyati: darslik //Mas’ul muharrir M.X.Rustambayev. – Toshkent, 2007.

9.www.lex.uz